



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 1 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 6, НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST

VOLUME 6, ISSUE 1



ТОШКЕНТ-2023

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуридинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Сайнова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети


Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон
тиллари университети

1. Надира Махкамова XX АСРНИНГ 20-30 ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ИШСИЗЛИК, УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТИ ВА ТУГАТИЛИШ ЖАРАЁНИ.....	4
2. Алишер Сабиров ORAL HISTORY ОРҚАЛИ ЎТМИШГА НАЗАР. ОҒЗАКИ ТАРИХ ИЛМИЙ МАКТАБЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.....	16
3. Беҳзод Аббасов ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1946-1950 ЙИЛЛАРДАГИ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ.....	30
4. Мохира Азизова ЭКОЛОГИК ИНҚИРОЗ: КЕЧА ВА БУГУН.....	36
5. Шахноза Алимова ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ЯРАТИЛГАН МАЪНАВИЙ МЕРОСНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....	40
6. Васида Зайниддинова СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ҲУКМРОНЛИГИ ЙИЛЛАРИДА БУТУН РОССИЯНИНГ БАРЧА ҲУДУДЛАРИДА ХУСУСАН, ЎЛКАМИЗДА 1920 ЙИЛДА АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАДБИРИНИНГ ЎТКАЗИЛИШИ ВА УНДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАДЛАР ҲАМДА ЯКУНИЙ НАТИЖАЛАРИ.....	45
7. Гулчехра Каримова КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИК – ИЖТИМОЙ ХАВФ СИФАТИДА.....	52
8. Jurabek Polvonov O‘zMA JAMG‘ARMAALARIDAGI XIVA XONLIGIGA DOIR Hujjatlar TASNIFI (125-JAMG‘ARMA 1-2-RO‘YHAT).....	58
9. Эркин Раджапов “КАТТА ТЕРРОР” ДАВРИДА ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ҲАРБИЙ КАДРЛАР ЭЛИТАСИНИНГ ҚАТАҒОН ЭТИЛИШИ.....	66
10. Аҳадулла Раҳматуллаев ЧОР РОССИЯСИ ИСТИЛОСИ АРАФАСИДА ТУРКИСТОНДАГИ ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИКНИНГ УМУМИЙ АҲВОЛИ.....	73
11. Шаҳодат Рузматова ҚЎҚОН ХОНЛИГИДАГИ КЎЧМАНЧИ ВА ЯРИМ КЎЧМАНЧИ АҲОЛИНИНГ ХОНЛИК ДЕМОГРАФИЯСИГА ТАЪСИРИ.....	82
12. Асилбек Хўжаёров СОМОНИЙЛАР ДАВРИДА НАСАФ ШАҲРИНИНГ ИЖТИМОЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҲАЁТИ.....	88



Эркин Ганиевич Раджапов,
Инновацион ривожланиш вазирлиги
бош мутахассиси

“КАТТА ТЕРРОР” ДАВРИДА ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ҲАРБИЙ КАДРЛАР ЭЛИТАСИНING ҚАТАҒОН ЭТИЛИШИ

For citation: Erkin G. Radjapov, REPRESSIONS AGAINST THE ELITE OF THE UZBEK NATIONAL MILITARY PERSONNEL IN THE PERIOD "GREAT TERROR". Look to the past. 2023, vol. 6, issue 1, pp.66-72

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7679635>

АННОТАЦИЯ

Мақолада қатағоннинг энг юқори босқичга кўтарилган 1937–1938 йиллардаги «Катта террор» кампаниясида Ўзбекистондаги энг йирик ҳарбий қисм ҳисобланган 19-ўзбек тоғ отлик дивизиясининг ҳарбий кадрлар корпусининг қатағонга учраган ҳарбий мутахассислари ҳақида маълумотлар келтирилган. Совет ҳокимиятининг 1937-1938 йилларда аҳолининг барча қатлам ҳамда вакилларига, шу жумладан, давлатнинг асосий суянч ва таянчи ҳисобланган ҳарбий мутахассисларга нисбатан амалга оширган оммавий қатағон сиёсати СССРнинг бир қатор ҳарбий жараёнлардаги мағлубиятига, Иккинчи жаҳон урушидаги мислсиз талофатлар ҳамда йўқотишларга сабаб бўлганлиги асосланган.

Калит сўзлар: Қизил армия, ҳарбий академия, отлик полк, отлик дивизия, Ҳарбий коллегия, НКВД, “Катта қирғин”, қатағон, ҳарбий кадрлар.

Эркин Ганиевич Раджапов
главный специалист Министерство инновационного развития

РЕПРЕССИИ В ОТНОШЕНИИ ЭЛИТЫ УЗБЕКСКИХ НАЦИОНАЛЬНЫХ ВОЕННОСЛУЖАЩИХ В ПЕРИОД "БОЛЬШОГО ТЕРРОРА"

АННОТАЦИЯ

В статье приведены сведения о военнослужащих 19-й Узбекской горно-кавалерийской дивизии, крупнейшей воинской части Узбекистана, подвергшихся репрессиям в ходе кампании «Большого террора» 1937-1938 гг., когда репрессии достигли наивысшего размаха. Проводимая советской властью в 1937-1938 годах политика массовых репрессий против всех слоев и представителей населения, в том числе и военных специалистов, считающихся главной опорой государства, основывалась на поражении СССР в ряде военных процессов, беспрецедентных невиданные убытки и ущерб во Второй мировой войне.

Ключевые слова: Красная армия, военная академия, кавалерийский полк, кавалерийская дивизия, Военная коллегия, НКВД, “Большой террор”, репрессия, военнослужащие.

Erkin G. Radjapov

Chief Specialist Ministry of Innovative Development

REPRESSIONS AGAINST THE ELITE OF THE UZBEK NATIONAL MILITARY PERSONNEL IN THE PERIOD "GREAT TERROR"

ABSTRACT

The article provides information about the servicemen of the 19th Uzbek Mountain Cavalry Division, the largest military unit in Uzbekistan, who were repressed during the Great Terror campaign of 1937-1938, when the repressions reached their peak. The policy of mass repressions pursued by the Soviet authorities in 1937-1938 against all strata and representatives of the population, including military specialists, who are considered the main support of the state, was based on the defeat of the USSR in a number of military processes, unprecedented losses and damage in World War II.

Index Terms: Red Army, military Academy, cavalry regiment, cavalry division, Military College, NKVD, “great terror”, repression, military personnel.

1. Долзарблиги:

Ўзбекистоннинг энг янги тарихини яратиш тўғрисидаги методологик, концептуал ғоялари асосида совет режимининг Республикадаги қатағон сиёсати ва унинг оқибатларини очиб беришга қаратилган бир қанча монографик тадқиқотлар, ҳужжат ва материаллар тўпламлари, рисолалар, илмий мақолалар эълон қилинди, диссертациялар ҳимоя қилинди. Аммо мазкур илмий йўналишнинг қатор масалалари ўзбек тарихшунослигида ҳанузгача тўла ва атрофлича ёритилган эмас. Айниқса, совет ҳокимиятининг ўзбек миллий ҳарбий кадрларига нисбатан қатағон сиёсати кам тадқиқ этилган тадқиқот объектларидан ҳисобланади.

2. Методлар:

Мақолада тарих фанига хос бўлган тарихийлик, микротарих, тизимлилик, холислик тамойиллари ҳамда қиёсий таҳлил тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда 19-ўзбек тоғ-отлик дивизиясининг қатағонга учраган ўзбек ҳарбий мутахассисларининг фожiali тақдири ёритилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Маълумки, мустақиллик йилларида собиқ советлар даврида қатағон қурбони бўлган ватандошлар хотираси абадийлаштирилди. «Шаҳидлар хотираси» ҳайрия жамғармаси тузилди. Тошкентда «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси барпо этилди. «Қатағон қурбонларини ёд этиш» куни белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 октябрдаги “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши совет ҳокимиятининг қатағон сиёсатини тадқиқ этишда илмий тадқиқотлар кўламининг янада кенгайиши ҳамда мустабид тузум даврида халқ озодлиги ва тараққиёти йўлида қурбон бўлган, халқимизга номлари, фаолияти ҳануз номаълум бўлиб келаётган юртдошларимизнинг номини тиклашда муҳим амалий қадам бўлди.

“Катта қирғин” деб ном олган 1937-1938-йилларда бошқа соҳа вакилларига нисбатан бўлгани каби ҳарбий кадрларнинг ҳам ўзлари ҳимоя қилган ҳамда ишонган коммунистик партия ва Ишчи-деҳқон қизил кўшини сафларидан ўчирилиши келгусида режалаштирилаётган кенг кўламли қатағонлар учун дебоचा бўлиб хизмат қилди. 1937-1938 йиллардаги “сиёсий тозалаш”лар вақтида 40 000 дан зиёд ҳарбий хизматчи Қизил кўшин сафларидан ўчирилди [1].

Шокиров Жўрабой Ражапович – 1904 йилда Қўқон шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Қамокқа олинган кунгача ВКП(б) аъзоси бўлган, қамокқа олиниши муносабати билан партия сафидан ўчирилган. 19-ўзбек тоғ-отлик дивизияси сиёсий бўлимнинг катта инструктори сифатида фаолият юритган. Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги (НКВД) Ўрта Осиё Ҳарбий округи (САВО) махсус бўлими томонидан 1937 йил 24 сентябрда миллий аксилинқилобий ташкилот аъзоси сифатида қамокқа олинган ва 3 марта тергов қилинган. 1938 йил 10 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий Ҳайъати йиғилишида унинг иши кўриб чиқилиб, Ўз ССР ЖКнинг 57-2, 64- ва 67-моддалари бўйича “халқ душмани” сифатида ноҳақ отув жазосига ҳукм қилинган.

Шукуров Холмат – 1900 йил Қозоғистон ССРнинг Чимкент шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек, Ҳарбий уновни – капитан. Қамокқа олинган кунгача 19-ўзбек тоғ-отлик дивизияси штаби 1-бўлими раҳбарининг ёрдамчиси бўлиб ишлаган. Ўрта Осиё Ҳарбий округи (САВО) махсус бўлими томонидан 1937 йил 17 сентябрда 19-ўзбек тоғ-отлик дивизиясидаги “аксилинқилобий миллатчилик ташкилоти” аъзоси сифатида қамокқа олинган.

Х.Шукуровнинг “жиной иши”да 2 дона сўроқ баёни сақланиб қолган холос. У биринчи марта 1937 йил 23 сентябрда сўроқ қилинади. Сўроқ Ўрта Осиё Ҳарбий округи (САВО) махсус бўлими лейтенанти Васильев ва кичик лейтенант Васильевлар томонидан олиб борилади. Иккинчи сўроқ эса 1937 йилнинг 8 декабрь санасида бўлиб ўтади [59].

Х.Шукуровнинг сўроқ вақтида берган кўрсатмаси ўзи каби ноҳақ қамокқа олинган ҳамкасби А.Умаралиев кўрсатмасига ўхшаб кетади. Х.Шукуровнинг берган кўрсатмасига кўра, унда миллатчилик қарашлари 1924-1926 йилларда Тошкент миллий ҳарбий мактабда ўқиб юрган вақтида пайдо бўлади. Х.Шукуров сўроқ вақтида “Менда миллатчилик қарашларининг пайдо бўлишига мактабда синфларнинг миллий белгиларига кўра бўлинганлиги, ҳарбий мактабда таълим олувчи ўзбек курсантларининг тез-тез “Мактабда европалар ўқимасин!” дея айтиб юрганлиги сабаб бўлган” [60],-деган кўрсатмани беради.

Унинг берган кўрсатмалари ҳам қамокқа олинган бошқа ҳамкасблари каби жуда ўхшаш. Сабаби у ҳам ИИХК ва дивизия махсус бўлими ходимлари томонидан аввалдан тайёрланган, уларнинг талабларига мос келувчи андоза асосида кўрсатма беришга мажбур этилган.

Х.Шукуров устидан олиб борилган тергов 1937 йил 28 декабрда яқунланади ҳамда 1938 йил 10 октябрь куни Тошкентда СССР Олий суди Ҳарбий Ҳайъатига кўриб чиқилади. Суд мажлисида ўзини айбдор санамаслигини, дастлабки тергов вақтида берган кўрсатмаларни инкор этишини, терговчиларнинг кучли тазйиқи ва босими остида ўзи ва бошқаларга туҳмат қилганлигини, ҳақиқатан эса ҳеч қачон аксилсовет ташкилоти фаолиятида иштирок этмаганлигини суд ҳайъатига маълум қилади.

Х.Шукуровнинг суд мажлисида айтганлари инобатга олинмасдан, у Ўз ССР ЖКнинг 57-2, 64- ва 67-моддалари бўйича айбдор деб топилиб, олий жазога ҳукм этилди. Х.Шукуров устидан чиқарилган мустабид тузум ҳукми 1938 йил 10 октябрда ижро этилди [61].

Йўлдошев (Юлдашев) Ботир – 1909 йил Қўқон шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Қамокқа олинган кунгача 19-ўзбек тоғ-отлик дивизияси сиёсий бўлимида комсомол иши бўйича инструктор бўлиб ишлаган. Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги (НКВД) Ўрта Осиё Ҳарбий округи (САВО) махсус бўлими томонидан 1937 йил 11 сентябрда “аксилинқилобий миллатчилик ташкилоти” аъзоси сифатида қамокқа олинган.

Сақланиб қолган тергов ҳужжатларидан маълум бўлишича, Б.Йўлдошев бир маротабагина сўроқ қилиниб, икки марта ўзи каби қамокқа олинган М.Рисқулов, Л.М.Пехович [62] билан юзлаштирилди. Сўроқ баёнида сўроқ кунининг санаси кўрсатилмаган. Сўроқ вақтида Б.Йўлдошев бир неча “жинойят”ларда айбланади. У Ю.Наримонов томонидан дивизиядаги “аксилинқилобий миллатчилик ташкилоти”га жалб қилинганликда, унинг топшириғига кўра миллатчилик кайфиятидаги комсомолларни аниқлашда, бирор ҳужжатда қандай қўшиқлиги қайд этилмаган “аксилинқилобий миллатчилик руҳидаги қўшиқлар” (Ўзбек тоғ-отлик дивизияси марши – Р.Э.)ни куйлаганликда, шунингдек, Л.М.Пехович томонидан Германия разведкасига жосуслик учун ёлланганликда, унга дивизия тўғрисида жосуслик

характеридаги маълумотлар етказиб турганликда айбланади [63]. Б.Йўлдошев ўзига қўйилган барча айбларни қатъий инкор этиб, “Бирор киши томонидан аксилинқилобий ва жосуслик фаолиятига жалб этилмаганман ҳамда бундай фаолият билан шуғулланмаганман. Дивизияда аксилинқилобий миллатчилик ташкилоти борлигини умуман билмайман” [64],– дея кўрсатма беради.

Б.Йўлдошев 1938 йил 17 март куни ўзи каби қамокқа олинган 19-ўзбек тоғ-отлик дивизиясининг даврий нашри ҳисобланган “Қизил юлдуз” газетаси муҳаррири М.Рискулов билан юзлаштирилади. Аммо бу юзлаштириш тўғрисида М.Рискуловнинг “жиной иши” ҳужжатлар тўпламида ҳам ҳеч қандай маълумот келтирилмаган.

Юзлаштириш жараёнига қадар ИИХК ва дивизия махсус бўлими ходимлари ўзларига керакли маълумотларни олиш учун М.Рискуловни етарли даражада “тайёрлашган”, унинг иродасини синдиришга эришган эди. Бу йўлда улар маҳбусни суткалаб уйку бермасдан сўроқ қилиш, ҳолдан кетгунча калтаклаш, оч қолдириш, ҳақорат қилиш каби ғайриқонуний тергов усулларида кенг фойдаланишди. Шу сабабли юзлаштириш вақтида М.Рискулов Б.Йўлдошевни “аксилинқилобий миллатчилик ташкилотига аъзоликда, ташкилотнинг мажлисларида иштирок этганликда, “аксилинқилобий миллатчилик руҳидаги қўшиқлар”ни куйлаганликда айблайди [65]. Б.Йўлдошев ҳамкасби томонидан ўзига нисбатан қўйилган айблардан “аксилинқилобий миллатчилик руҳидаги қўшиқлар”ни куйлаганлигини тан олади, қолган айбларни инкор этади. Б.Йўлдошевнинг “жиной иши” юзасидан дастлабки терговсуриштирув жараёни 1938 йил 23 март куни тугатилади ҳамда кўриб чиқиш учун СССР Олий суди Ҳарбий Ҳайъати сайёр йиғилишига топширилади.

Тошкент шаҳрида 1938 йил 10 октябрь куни СССР Олий суди Ҳарбий Ҳайъати сайёр йиғилишида ҳамкасблари қатори Б.Йўлдошевнинг ҳам “жиной иши” кўриб чиқилди. Суд мажлисида бошқа ҳамкасблари қатори Б.Йўлдошев ҳам “Мен ҳеч қачон совет ҳокимиятига қарши кайфиятда бўлмаганман ҳамда аксилинқилобий ташкилот аъзоси эмасман. Пехович деган шахс томонидан жосуслик ишига жалб этилмаганман, унга ҳеч қандай маълумотларни тақдим этмаганман. Менга қарши берилган кўрсатмаларнинг барчаси ёлғон” [66],–дея айбсизлигини исботлашга ҳаракат қилади. Суд ҳайъати унинг кўрсатмаларини текшириб кўрмасдан, Б. Йўлдошевни Ўз ССР ЖКнинг 57-2, 64- ва 67-моддалари бўйича “айбдор” сифатида ноҳақ отув жазосига ҳукм қилади. Б. Йўлдошев устидан чиқарилган ҳукм 1938 йил 10 октябрда ижро этилди.

Ёқубов Содиқ – 1905 йилда Марғилон шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Қамокқа олинисига қадар 19-ўзбек тоғ-отлик дивизияси 42-отлик полкининг отлар бўйича техник инструктори бўлган. 1934 йилда хизмат вақтида ўзи бўйсуниси лозим бўлган шахсга нисбатан кўполлиги ҳамда ахлоқ чегарасидан чиққанлиги сабабли ВКП (б) аъзолигидан ўчирилган. Ҳарбий унвонига кўра капитан бўлган. Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги (НКВД) Ўрта Осиё Ҳарбий округи (САВО) махсус бўлими томонидан 1937 йил 11 сентябрда “аксилинқилобий миллатчилик ташкилоти” аъзоси деган айб билан қамокқа олинган.

С.Ёқубовнинг “жиной иши”да 1937 йил 26 сентябрда бўлиб ўтган сўроқ баёнигина сақланиб қолган холос. Сақланиб қолган ягона сўроқ баёнида у 19-ўзбек тоғ-отлик дивизияси қисмларида мавжуд бўлган “аксилинқилобий миллатчилик ташкилоти” аъзоси эканликда айбланди. Аммо дивизиянинг қайси қисмида эканлиги С.Ёқубовнинг ҳам, у каби қамокқа олинган дивизиянинг бошқа ҳарбийларининг тергов ҳужжатларида ҳам кўрсатилмаган.

19-ўзбек тоғ-отлик дивизиясида хизмат қилувчи кўплаб ўзбек ҳарбий кадрлари тез-тез М.Шомирбоевнинг квартирасида гап-гаштак, палов тайёрлаш учун тўпланиб туришади. Бу ҳолатдан Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги (НКВД) Ўрта Осиё Ҳарбий округи (САВО) махсус бўлими ходимлари фавқулодда воқеа ясаб, аксилинқилобий кайфиятдаги ўзбек офицерларининг маҳфий учрашуви даражасига кўтаришади. Шу сабабли улар С.Ёқубов номидан “Аксилинқилобий кайфиятда бўлган ўзбек офицерларидан лейтенант Мақсумов (исми манбада келтирилмаган – Р.Э.), капитан К.Толипов, лейтенант Ж.Шокиров, сиёсий етакчи Абдуллаев (исми манбада келтирилмаган – Р.Э.) М.Шомирбоевнинг уйида тез-тез йиғилиб турар эдик. Йиғилишларда аксилинқилобий миллатчилик руҳидаги ҳамда европа, рус

миллатига мансуб ҳарбий кадрларга қарши нафрат ҳиссини уйғотишга қаратилган суҳбатлар бўлиб ўтар эди. Суҳбат жараёнида дивизияда хизмат қиладиган рус ва европа миллатига мансуб ҳарбий кадрларни ўзбек миллатига мансуб ҳарбий кадрлар билан алмаштириш масаласи муҳокама этилар эди” [67],– деган кўрсатма тайёрлашади. Ҳатто бу кўрсатмани кенгайтириш ҳамда дивизиянинг машҳур қўмондони М.Миршароповни ҳам “аксилинқилобчи” дея айблаш мақсадида С.Ёқубовнинг кўрсатмасига “Мен 1934 йил апрелда М.Шомирбоевнинг квартирасида дивизиянинг собиқ қўмондони Миршаропов (Миркомил Миршаропов) билан учрашдим. Учрашувда Миршаропов дивизиядаги барча европаликларни ўзбеклар билан алмаштириш кераклиги ҳамда ўзбек дивизиясининг қўмондонлик таркиби фақат ўзбек миллатига мансуб ҳарбийлардан бўлиши кераклиги тўғрисида гапирди” [68],–деган маълумот ҳам кўшилади.

Дивизиядаги европа миллатига мансуб ҳарбий кадрларни маҳаллий миллатга мансуб ҳарбийлар билан алмаштириш йўлида ўзбек дивизиясининг маҳаллий миллатга мансуб ҳарбий кадрлари европа миллатига мансуб ҳарбий ҳамкасбларини камситганликда, маҳаллий миллатга мансуб ҳарбийлар орасида уларга қарши норозилик кайфиятини уйғотганликда, М.Миршаропов ўрнига тайинланган янги қўмондон комбриг И.В.Селивановни укувсизликда, унинг қўмондонлиги остидаги ўзбек дивизиясининг жанговар ва ҳарбий тайёргарлиги ва салоҳияти пасайиб кетганликда айблаганликда айбдор саналадилар. Дивизия қўмондони И.В.Селиванов Ўзбекистон ССР Марказий Ижроқўмининг 1936 йил бўлиб ўтган иккинчи йиғилишида “Дивизия мустаҳкам миллий командирлар составини тарбиялаб етказиш билан ҳам шуғулланди. Командирларимиз асосан ҳозир ўзбеклардан бўлганини сессияга изҳор қила биламан” [69],–дея таъкидлайди.

Кўриниб турибдики, дивизия ҳарбийлари орасида миллатлараро бағрикенглик, бир-бирларига нисбатан юксак ҳурмат шаклланганлигини кўрсатади.

Тўрт ойлик сўроқдан сўнг 1937 йил 29 декабрда С.Ёқубовнинг “жиной иши” бўйича дастлабки тергов тугаганлиги эълон қилинди. Айблов ҳулосаси эса 1938 йил 8 октябрда Ҳарбий прокурор ёрдамчиси томонидан тасдиқланди.

СССР Олий суди Ҳарбий Ҳайъатининг 1938 йил 10 октябрда бўлиб ўтган йиғилишида унинг иши кўриб чиқилди. Суд мажлисида С.Ёқубов ўзини айбдор санамаслигини, ўзига қўйилган барча айблар ёлғон эканлигини ва уларни тасдиқламаслигини билдиради. Шундан сўнг Бекмуродов, М.Миршаропов, Ю.Наримонов, Х.Шукуров, А.Эдельман, Й.Дадабоевларнинг сўроқ кўрсатмаларидан кўчирмалар ўқиб эшиттирилди. Ўқиб эшиттирилган кўчирмаларга нисбатан С.Ёқубовнинг муносабати суд мажлиси баённомасида “Ўқиб эшиттирилган кўрсатмаларнинг ҳақиқат эканлигини инкор этди. Юқорида номлари кўрсатилган шахслардан бирортаси билан ўзаро душманлик кайфиятида бўлмаган. Аксилсовет ташкилоти фаолиятида иштирок этмаган. Аксилсовет ташкилоти аъзоси ҳамда буржуа-миллатчилик кайфиятида бўлмаган. М.Миршаропов уни “аксилинқилобий миллатчилик ташкилоти”га жалб этмаган” [70], – дея қайд этиб ўтилади. С.Ёқубов сўнгги сўзида ҳам ўзини айбдор эмаслигини суд ҳайъатига айтиб ўтади. Аммо кўрсатмаларнинг бирортаси инobatга олинмасдан, СССР Олий суди Ҳарбий Ҳайъати томонидан С.Ёқубов ССР ЖКнинг 57-2, 64- ва 67-моддалари бўйича айбдор деб топилиб, отув жазосига ҳукм қилинди. Ҳукм шу куннинг ўзида ижро этилди.

Рискулов Мирзакул Ризоқулович – 1904 йилда Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳрида туғилган. Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги (НКВД) Қамоққа олингунгача 19-ўзбек тоғ-отлик дивизиясининг наشري бўлган “Қизил юлдуз” газетасида муҳаррир бўлиб ишлаган. Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги (НКВД) Ўрта Осиё Ҳарбий округи (САО) махсус бўлими томонидан 1937 йил 10 сентябрда қамоққа олинган.

М.Рискулов устидан дастлабки сўроқ 1938 йил 28 сентябрда бўлиб ўтади. Бу сўроқ жараёнида у 1923 йил Каттақўрғон шаҳар қўмитаси комсомолида ишлаб юрган вақтида Каттақўрғон ижроқўмининг ўша вақтдаги раиси К.Абдурахимов томонидан “Миллий иттиҳод [71]” ташкилотига жалб этилганман деган кўрсатма беради [72].

М.Рискулов устидан 1937 йил 8 октябрда айблов қарори эълон қилинди. Бу қарорда у қамоққа олинган бир қатори ҳамкасблари сингари 19-ўзбек тоғ-отлиқ дивизиясидаги мавжуд “аксилинқилобий исёнчи миллатчилик ташкилоти”га аъзоликда ҳамда бу “ташкилот” топшириғи билан аксилинқилобий исёнчи миллатчилик фаолияти олиб борганликда айбланди.

Айблов қарори эълон қилинган куннинг эртаси куни яъни 1937 йилнинг 9 октябрида М.Рискулов иккинчи марта сўроққа чақирилади ва сўроқ икки кун давом этади. Бу сўроқдан маълум бўлишича унинг 19-ўзбек тоғ-отлиқ дивизиясидаги фаолияти 1936 йил ёзида дивизия нашри ҳисобланган “Қизил юлдуз” газетасига муҳаррирликдан бошланган. “Дивизиядаги мавжуд “аксилинқилобий миллатчилик ташкилоти”га дивизия сиёсий бўлим раҳбари Ю.Наримонов тарафидан жалб этилганман. Ташкилотга жалб қилиш вақтида Ю.Наримонов М.Рискуловга дивизиядаги миллатчилик ташкилотига М.Миршаропов томонидан ташкил этилганлиги ва унинг мақсади миллатчи ҳарбий кадрларни тайёрлаш, бош сиёсий таркибдаги рус миллатига мансуб ҳарбий кадрларни маҳаллий миллатга мансуб ҳарбий мутахассислар билан алмаштириш, шунингдек, Ўзбекистонни СССРдан ажратиш олишда дивизия ҳарбий кучларнинг асосий базаси ҳамда захираси бўлиб хизмат қилишига келишиб олинганлиги тўғрисида гапириб ўтади.

М.Рискуловнинг бу тарзда ёлғон маълумотлар ва кўрсатмалар беришининг сабаби СССР Олий суди Ҳарбий Ҳайъатининг 1938 йил 10 октябрда бўлиб ўтган суд мажлисида маълум бўлади. ИИХК ва махсус бўлим ходимлари томонидан М.Рискулов номидан 42-отлиқ полк мактаби раҳбари М.Шомирбоев, 41-отлиқ полк раҳбари Ҳ.Исомиддинов, дивизия штаби 1-қисм раҳбарининг ёрдамчиси Х.Шукуров, дивизия партиявий комиссиясининг котиби Б.Ҳамроқулов, дивизия сиёсий бўлими инструкторлари С.Отаев, Ж.Шокиров ва Б.Йўлдошев, 42-отлиқ полк ҳарбий комиссари М.Абдурахимов, 42-отлиқ полкининг от ўргатувчиси С.Ёқубовлар “аксилинқилобий миллатчилик ташкилоти” аъзолари сифатида санаб ўтилади.

М.Рискуловга нисбатан қўзғатилган “жиноий иш” бўйича дастлабки тергов 1937 йил 2 декабрда тугатилиб, кўриб чиқиш учун судга оширилди ҳамда 1938 йил 10 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий Ҳайъатининг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқилди. Суд мажлисида М.Рискулов ўзининг айбдор эканлигини рад этади ҳамда дастлабки сўроқ вақтида берган кўрсатмаларини ҳам инкор этиб, ўзи ва қамоққа олинган бошқа ҳамкасбларига нисбатан тухмат қилганлигини билдиради.

Шунингдек, суд мажлисида у ҳеч қачон совет ҳокимиятига қарши кайфиятдаги ташкилот аъзоси бўлмаганлигини, ҳеч қандай аксилинқилобий фаолият билан шуғулланмаганлигини, унга қарши ёлғон кўрсатмалар беришганлигини таъкидлаб ўтади [73].

Аммо суд ҳайъати томонидан М.Рискулов Ўз ССР ЖКнинг 57-2, 64- ва 67-моддалари бўйича айбдор деб топилади ҳамда олий жазога ҳукм қилинади. М.Рискуловга нисбатан чиқарилган адолатсиз ҳукм 1938 йил 10 октябрда ижро этилди.

Шу тариқа совет ҳокимияти жаллодлари тарафидан Ўзбекистон ССРнинг ифтихори бўлган 19-ўзбек тоғ-отлиқ дивизиясини тугатиш йўлида дастлабки амалий қадамлар кўйилди. Кейинчалик дивизиянинг кўплаб мутахассислари асоссиз ва ноҳақ айблар билан қатағон этилди.

4. Хулосалар:

Бугунги кунда СССРда рус, поляк ҳамда бошқа миллатга мансуб ҳарбий мутахассисларига нисбатан амалга оширилган қатағонлар, бу қатағон жараёнда қурбон бўлган ҳарбий мутахассисларнинг миқдори ҳақида кўплаб тадқиқотлар қилинди, туркум мақолалар эълон қилинди. Аммо совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда миллий ҳарбий кадрларга нисбатан қатағон сиёсати, бу жараёнда қурбон бўлган ўзбек ҳарбий кадрлар корпусининг аниқ миқдорий кўрсаткичи ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд эмас.

Совет ҳокимиятининг 1937-1938 йилларда давлат нуфусининг барча қатлам ҳамда вакилларига, шу жумладан, давлатнинг асосий суянч ва таянчи ҳисобланган ҳарбий мутахассисларга нисбатан амалга оширган оммавий қатағон сиёсати СССРнинг бир қатор

ҳарбий жараёнлардаги мағлубиятига, Иккинчи жаҳон урушидаги мислсиз талофатлар ҳамда йўқотишларга сабаб бўлди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Данилов В.Д. Советское Главное Командование в преддверии Великой Отечественной войны // Новая и новейшая история. 1988. №6.–С.4. (Danilov V.D. Soviet High Command on the Eve of the Great Patriotic War // New and Recent History. 1988. No. 6.–P. 4.)
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи жорий архиви (The current archive of the State Museum of Repression Victims Memorial under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan).
3. 19-я кавалерийская дивизия // http://www.rkka.ru/cavalry/30/019_kd. (19th Cavalry Division // http://www.rkka.ru/cavalry/30/019_kd.)
4. Бригада командири ўртоқ Селиванов сўзи // Қизил Ўзбекистон, 1936 йил 13 февраль, 40-сон. –Б.3. (The words of the brigade commander, Comrade Selivanov // Red Uzbekistan, February 13, 1936, No. 40. – P.3.)
5. Миллий иттиҳод – 1919 йилда Туркистон жаидлари ташкилоти (1920–25). Мунавварқори ва Садриддинхон Шарифхўжаев ташаббуси билан Тошкентда тузилган. “Миллий иттиҳод” большевиклар режимиға қарши курашда совет муассасаларида хизмат қилаётган миллий раҳбар ходимларға таянган ва ўз олдиға Туркистонда миллий мустақил давлат барпо этишни бош мақсад қилиб қўйган. Ташкилот фаолиятида Мунавварқоридан ташқари Т.Жонузоқов, Ашурали Зоҳирий, У.Асадуллахўжаев, Саид Аҳрорий, С.Тиллахонов ва бошқалар муҳим роль ўйнаган (National union - the organization of modern Turkistan in 1919 (1920-25). It was created in Tashkent on the initiative of Munavvarqori and Sadriddinkhan Sharifkhojaev. The "National Union" relied on national leaders serving in Soviet institutions in the fight against the Bolshevik regime, and set itself the main goal of establishing an independent national state in Turkestan. In addition to Munavvarkari, T. Jonuzakov, Ashurali Zahiri, U. Asadullakhojhaev, Said Ahrariy, S. Tillakhanov and others played an important role in the organization's activities).

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 1 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 6, НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST

VOLUME 6, ISSUE 1

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000